

Оила ва јатијат

Халқаро жамғармаси

ВА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТ

Мамлакатимиз ижтимоий-сийесий ҳәтидаги муҳим воеқа — 27 январь куни ўтказиладиган референдумга тайёргарлик тобора қўзғин тус олмокда. Жойларда бу муҳим сиёсий тадбирни юксак савидя ўтказиш масалаларига бағишиланган тадбирлар давом этаётir.

Пойтахтимиздаги йўрда гузаридга ташкил этилган ана шундай йигилишда Зулфия мурофоти ва «Умид» жамғармаси гранти совриндорлари, Президент стипендияси соҳиблари, шунингдек, пойтахтимиздаги турли олий ўқув юртлари табалалари, корхона ва ташкилотларнинг фаол ёшлари иштирок этди.

Йигилишда референдумга қўйилган масалалар — мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартирини хуқуқий демократик

давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришининг ҳозирги босқичи тақозо этаётгани ҳақида сўз юритилди.

В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари нинг ҳам референдумга бағишиланган йигилиши бўлиб ўтди. Бирлашма ишчи-хизматчилари бўлажак референдумда фаол иштирок этишларни билдирилар.

Республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоллари йигилиши ҳам айнан шу масалага бағишиланди. Сўзга чиққанлар мамлакатимиз ҳәтидаги бу сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, овоз берувчи фуқароларнинг ҳуқук ва вазифалари ҳусусида гапириди. Йигилишда бундай учрашувлар референдумнинг уюшқолик билан ўтиши, унда ҳар бир фуқаронинг онгли иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Андижондаги Дўстлик маҳалласи фуқаролар йигини худудида референдумни ўтказиш бўйича учта участка комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу муҳим умуммиллий сиёсий тадбир арафасида фахрийларни ижтимоий кўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармасининг Андижон шаҳар бўлими, участка комиссиялари ва фуқаролар йигини аъзолари умумхалқ муҳокамасига қўйилётган масалаларни тушунтиришга бағишиланган давра сұхбатини ўтказди.

Маҳалла аҳли референдумга қўйилётган масалалар, ҳусусан, икки палатали парламент тузиси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгариши тўғрисидаги масалалар бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлди.

**С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири**

ЎҒИЛЖОН ОПА

(Боши ўтган сонларда)

Ўғилжон опамизнинг ўй-жойлари нақ бизнинг ҳовлимиз этагига туташб қетган. Девор-дармийён яшаганимиз учунни, уларни ҳамма опаларимдан кўра яхширок биламан: болаларига куюнчак, невараларига гириттон, жуда меҳнаткаш аёл. Опамизнинг ёнга баҳти дакиляри — бу бағриларига фарзандлари тўпланаидиган кунлар, Фарзандлар учун ҳам ёнг ҳайрли кун оналари дийдорига кониб-кониб сұхбатлашадиган чоғлар. Однарни кига нақ меҳмонга бораётгандай отланишади. Набираларку бувимишнига бораэр эканмиз, дейа уйқуларни ҳам йўқотиб қўйишади...

Онаизор эса орзиқиб, дарвоза томонга аллангайди... Нима пиширсан экан, уларнинг оғзига ширинроқ нима туғсан экан, дейа ўшхонада уймалашади... Болалари куруқ келишармиди?... Наҳотки, уларнинг кўлига қараб ўтираса... Ёғли нон ёлади, юлқа пиширади, қатиқ ивитади, норин тўғрайди... Однасининг уймалашётганини кўрган болалар хафа бўлиб кетишиади. «Хеч тиниб-тинчимас экансизда, онажон... Мана, нима ейиз, нима ичиз, ҳаммасин олиб келдик-ку», -дейишиади. Ростдан ҳам опамизниң кўллари жуда ширин...

Уч ўғил, уч қиз. Ҳаммаси тўпланишса хонтахта атрофига сифозимайди. Бувижон невараларимга, деб илини олиб қўйиганларини дастурхонга олиб чиқиб тўқаверади... Кичик неваралари кенг ҳовлига ёйлиб кетишиади. Катталари бўлса бувижонларни билан ота-оналари сұхбатига кизиқиб, эшитиб ўтишиади...

Опамиз бу кунларни орзиқиб, соғиниб куттагани бор. Йўқса гаплашман десалар төлефон ўйқми?!

- Телефоннинг ўйриғи бошика, - дейди опамиз кулиб. - Бир-бигиннги кўзингта қараб, дийдорингга тўйиб гаплашишига нима ётсиз?

Ўғиллари Холмуроджоннинг яхши

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

бир одати бор-да. Қишлоқка келишдан олдин, албатта шаҳардан онасига қўнғироқ қилиади:

- Рўзгорда қандай камчиликлар бор, айтинг, олиб бораман, - дейди у. - Тагимда машина, айтаверсангиз-чи, ахир...



- Ўтган гал олиб келган бир қоп унинг ҳали яримлаганича ўйк. Ёғим етарли. Борини еб турайлик, бўёви бир гап бўлар... Менга ҳеч нарса керак эмас, ўзларин соф-саломат юрсаларинг...

- Онаизорнинг овози титраб кетади... Ўғил тушундик, она кўнғи болади! Соғинган. Айниска, оталари оламдан ўтгандан бўйн болаларини тез-тез кўргиси келади. Қишлоққа бориша «ётиб қолларинг, кичикни кун туриб кетсанларинг бўлмайдими», деб зорланади... Ҳунга қолса онасининг қошиб-қўзидан бир дарни кетарими.

Хизматчилик, на илож? Қўришмаганига ҳам ўн беш кундан ошиб колибди. Укалари, сингилларига қўнғироқ қилиади. Однаси яшайдиган чорбог ёнгига енгил машиналар каторлашади...

Опамиз хозир нафакада. Тангадек

офтоб тушмайдиган боф-ҳовлисингин этаги Угам дарёси кирғоғига тушади кетган. Баҳдоғ, гўзал маскан. Ҳовлида кеч кузгача жамбулрайхонлар ўсиб-яшнаб ётади. Ўғилжон опамиз ер чўқиқаб, у-бу экиб, ҳовлини яшнатиб ўтиришини яхши кўради.

Шунинг учун кеърда бўлмаснинлар, ўйларини кўмасб, таллениб турварадилар. Ўз уйим — ўлан тушагим, дегани шу бўлса керак. Опамизнинг ёнг севимли машүгуоти нима эканини айтами? Тиниб-тинчимаслик. Кушлардан аввал ўйғониб, кушлар билан баробар ёстиқча бош кўяди. Кафтаидай ҳовлида сабзи-пиёз ҳам бор, қарам, картошка, помидор дейсизми, атиргул, райхон, кашнич ва уроплар яшнаб ётиди. Қовоқлар ҳатто узум сўриларига чирмашиб туккан...

- Буларни тез-тез сугориб тургин болам, - дейди опамиз невараси Шоҳруҳга қараб. - Ўсимлик ҳам одамга ўшҳайди, сурформасанг тинкиси курийди.

Илгарилари бу ишлар Аширбоя поччамиздан қолмасди. Раҳматли бўлиб кетгандаридан бўён кўп юмушлар опамиз билан Шоҳруҳ, елкасида. Ҳаракатда — баракат-да!

«Шоҳруҳ пода кайди, сигрини боғла, қўйларига қўрага кирғиз. «Молларга қара, бузоқни боғла, онасини эмиб қўймасин...» «Шоҳруҳ, молларга ўт сол. Ҳоқча ўтиш кала, нон ёпанам...» «Вой Шоҳруҳ, дарсинг қолиб кетди-ку. Дарсингни кил... Китобингни ўки...»

Шоҳруҳ боласининг боласи, кантақ ўриқ донаси у. Нияти — шу ҳовлида даранглатиб тўй қилиб уни уйлантисиб, ўзидан кўпайганини, от босмаган йўлларни тойчоқлари босганини кўриш.

(Давоми бор)

Дилбар МАҲМУДОВА



27 ЯНВАР — УМУМХАЛҚ

РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ОКРУГ ВА УЧАСТКАЛАРДА ИШ ҚИЗГИН

Шу кунларда мамлакатимизда Ватанимиз ва халқимиз ҳәтидаги муҳим воеқа — Ўзбекистон Республикаси референдуми кизғин тайёргарлик кўрсатмоқда.

Вилоят аҳолиси ўз хоҳиши-истагин демократик тамомиллар асосида изҳор этиши, уларнинг бу муҳим умумхалқ масалатида фаол иштирок этишларни таъминлаш мақсадида фуқаролар йигилинарида, ўқув масканлари, корхона ва ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда округ референдумда саксон минга яқин иштирокида даётади. Округ ва участкалар зарур анжомлар барор керакли кўлланмалар билан таъминланган. Овоз

**А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири**

МАҶСАД — ОПА ВА БОЛА СОҒЛШИГ, ОПЛА ФАРОВОПШИГ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишни Ўзбекистон Республикаси Боз вазири ўринbosari, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг радио Дилбар Ғуломова бошкарди.

Ҳаммамизга маълумки, ўтган 2001 йил соғлом оиласи шакллантириш, оналик ва болалик мағафатларини ҳимоя килиш борасида талал тадбирлар амалга оширилди. Оиласи мустаҳкамлаш хамда ёшларни оиласга тайёрлаш борасида ютукларга эришилди. Дарҳақиат, аввалиг юилга нисбатан ажралишлар сони анчайин камайди. 2001 йилда "Соғлом авлод" давлат дастури асосида хотин-қизлар сломатлигини мустаҳкамлаш ўйналишида ҳам арзигулик ишлар килинди. Зоро соғлом бола соғлом онадан тугилади. Шу ниятда республикамизда 6 млн.дан ортиқ тугиши ўшидаги аёллар тиббий кўриклидан 42 минг ёш она ўқитилди. Бу айтишга осон. Она билан бир вақтда боланинг соглом ўсиши, касалликлардан ҳимояланишига эътибор берилиди. "Миллий эмлаш" кунлари ва "Тозаловчи эмлаш кунлари"да республикадаги 4 ёшгача бўлган болаларнинг 100 физији эмланди.

2001 йил давомида 220 мингдан ортиқ ишсиз юрган аёлларнинг 145 минг нафари иш билан таъминланди. Она хотиржам яшаси учун бола бекор юрмаслиги керак. Бу борада ҳам 2001 йилда куонарли ютуклар кўлга киртилди. Жумладан, республика маҳаллаларида 1850 та спорт комплекслари курилиб, ишга туширилди. Вояга етмаганлар билан ишлар комиссиялари фаолияти жонланди. Республика Болалар, "Соғлом авлод учун" жамғармалари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари турли йўналишдаги тадбирларни ташкил килдилар. Йигилишда ютуклар билан бирга 2001 йил давомида "Соғлом авлод" давлат дастурини амала оширишда бир катор камчиликларга ҳам йўл қўйилганини таъкиланди. Йигилишда "Она ва бола" давлат дастуридағи устувор йўналишлар бўйича ишларни 2002 йилда ҳам давом эттирилиши алоҳида қайд этилди.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

ТАНИШИНГ: ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



тининг Узун туманинда 11-мактаб ўкувчи-си. "Навоий-хонлик", "Нафосат", "Китобхонлар" ва "Сухандонлар" кўрик танловларида мудаффакиятила катнашади. Танловда тъялым йўналиши бўйича катнашади.

Савлатхон САЙДОВА
— Сурхондарё вилояти



Чарос ЭЛМУРОДОВА — Самарқанд вилояти Нарпай туманинда 64-мактаб ўкувчи-си. Чарос 13-сон санъат мактабининг фортелино ва рақс синфини тутатган. Айни кунларда дутор чалиши сирларини ўрганмоқда. Мазкур танловда санъат йўналиши бўйича тавсия этилган.



Дилсуз СОДИКОВА — Самарқанд шаҳар туризм колле-жи талабаси.

Республика "Нафосат" ёшижодкор ўкувчилар анжуманинг иштирокчиси. Коллеж ҳайтигининг энг фаол талабаларидан. Ўз шеърлари билан матбуотда фаол катнашиб турди.



дагоҳ каби муқаддасдир" мавзусига бағишиланган иншолар кўрик танловининг голиби. "Кўнгил кенгликлари" шеърий тўплами, "100 саволга 100 жавоб" ижодий рисолалар муаллифи. "Инновация-2001" Халқаро конференцияси иштирокчиси.

Муҳаббат Беруний номли стипендиya соҳибаси. Келгисида ўзи танлаган соҳа бўйича янгиликлар кашф этиши орзу-сида.

**Муҳаббат ТЕМИРО-
ВА** — Навоий Давлат
кончилик институти
талабаси. "Ватан саж-



ги 2-ўрта мактаб ўкувчи-си. Шеъриятга ихлоси баланд. Туман халқ таълими бўлими ўтказган барча тадбирларнинг энг фаол иштирокчиси. Вилоят "Иктидорли болалар" X-слётида ёш адилар йўналиши бўйича эришган мудаффакиятлари учун фахрий ёрлик билан тақдирланган.

Райхона ХЎЖАЕВА
— Самарқанд вилояти
Оқдарё туманинда

Басира САЙДАЛИЕВА
тайёрлади

ОҚСОҚОЛЛАР Даъвати

Узунда тўрт минг нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари, жумладан, 27 нафар юз ёшдан ошган кексалар истиқомат қилишади. Улар бугунги кунда иззат-икромда, уйларнинг тўри, қалбларининг кўри уларники.

- Карияларимиз қалбидаги Президентимизга нисбатан ўз фарзандларига

бўлгани каби битмас-ту-
ганимас меҳр-муҳабbat жўш
уреб турибди, - деди "Нуро-
ний" жамғармаси Узун ту-
ман бўлими раиси Нусратулло Шоймардонов "Тур-
кистон — пресс" мухбири-
га. - Мамлакатимизда 2002
йилнинг "Карияларни кад-
рлаш ўили" деб ёзган Узун туманинда барча
қариялар эътиборига ҳаво-
шаш энг муҳим вазифа. Ва-
танимиз, ҳалкимиз ютукла-

гурурга тўлдириб юборди.
Нусратулло Шоймардо-
новнинг айтишича, яқинда
"Нуроний" жамғармасининг
туман бўлими анжуманида
барча фахрийларга карата
мурожаатнома қабул қилин-
ди. Ушбу мурожаатнома ту-
ман газетасида чоп этилиб,
йилнинг "Карияларни кад-
рлаш ўили" деб ёзган Узун туманинда барча
қариялар эътиборига ҳаво-
шаш энг муҳим вазифа. Ва-
танимиз, ҳалкимиз ютукла-

БОЛА ОНА МЕХРПГА ҚОПЛЪ ЎССП...

Навоий туман марказий шифоносилик түргурухон комплексида она ва боланинг ҳам жисман, ҳам руҳан якинлигини таъминлаш йўлини изланишлар бекор кетмади. Она бағрида роҳатланниб, она сутини эмган болалар ўртасида учрайдиган турли касалликлар кескин камайди. Болаларни кўкрак сути билан парваришилаш кенг йўлга кўйилгани боис шифоноса комплекси. Бутун жаҳон соглини саклаш ташкилотининг "Болага дўстона муносабатда бўлиш" сертификатини олишга мудаффақ бўлди.

Якнида мұхбизимиз шифо маска-нида бўлиб, олиб борилаётган ишлар хусусида түргуқ комплекси бош ҳакими Ойиби НУРМАТОВА билан сұхбатлаши.

— Ойиби Баҳромовна, "Болага дўстона муносабатда бўлиш" сертификатига эга бўлишнинг ҳам ўзига хос талаблари бўлса керак?

- Биринчи навбатда кирқдан ортиқ врачлар, доялар, киник тибий ходимларимиз вилоятимизда фойлият кўрсатадиган "Проект ХОУП" нодавлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ўкув машгулотларида ўз тибий билим савияларини ошириди. Максад, болани кўкрак сути билан бокишини тарғиб килиш ва бу усулини шифо маска-нида кўллаш эди. Ана шу ниятда ташкил этилган "Онапар мактаби", "Қайноналар мактаби", "Отала мактаби" "она ва бола учун атроф-дагиларнинг меҳри, мурувати нақадар аҳамиятилган эканлигини англатадиган ўкув масканларига аланди. Янги түғилаётган гўдак учун қайнона меҳридан, қайнона мактабидан оширилди.

Максад, болани кўкрак сути билан бокишини тарғиб килиш ва бу усулини шифо маска-нида кўллаш эди. Ана шу ниятда ташкил этилган "Онапар мактаби", "Қайноналар мактаби", "Отала мактаби" "она ва бола учун атроф-дагиларнинг меҳри, мурувати нақадар аҳамиятилган эканлигини англатадиган ўкув масканларига аланди. Янги түғилаётган гўдак учун қайнона меҳридан, қайнона мактабидан оширилди.

— Янги түғилган болани онаси билан якинлаштириш она сихатига ҳам ижобий таъсир килса керак?

- Албатта, түргуқдан кейинги давр енгил ўтади. Кўкрак безлари

лан тиббий ходимлар ўртасида са-
мимий, очик муносабатни йўлга
кўйишга эришашади.

**— Кўкрак сути билан бокиши-
нинг бола саломатлигига тут-
ган ўрини ҳакида нима дёя ола-
сиз?**

- Мен 22 йилдан бўён ушбу шифо масканида ишлайман. Тажрибалимга суняғи шупарни айтишимумкини, эндиғина киндинги кесилган болани иссиқкини онаси бағрига берганимизда у табии талпиниш билин эма бошлайди. Мурғак жон илк илик хароратни онаси кучгода туйб ором олади. Илмий хулосаларга кўра, она сути бола мизозини бақувватлашируви барча аъзолар қобилиятини ошируви бебаҳо неъматидир. Фақат она сути билан бокишаётган чакалокларда ўлим холати тўрт маротабага камайди. Она сути асаф ва руҳий ривоҳлашига, миянинг етилишига ижобий таъсир кўрсатади. Болани тўғри эмзиши уни ошқозон, ичак, нафас йўллари инфекциялари, сийдик йўллари, кулоқ инфекциялари, қандли диабет, астма ва хириллаб қолицдан асрайди. Янги түғилган бола ичагида она сути яхши ҳазм бўлади. Сунъий оқвазлардан фарқ қилиб болани тишларини парвариши килиш ва асрарда катта аҳамият касб этади. Она сути таркибида иммуноголо-булин, антителалар бўлиб, бола организмиминг касалликларга карши курашида кўл келади. Айни вактда эмган бола чанкамайди.

— Янги түғилган болани онаси билан якинлаштириш она сихатига ҳам ижобий таъсир килса керак?

- Янги түғилган болани онаси билан якинлаштириш она сихатига ҳам ижобий таъсир килса керак?

- Албатта, түргуқдан кейинги давр енгил ўтади. Кўкрак безлари

ва тұхумдонар ўсма қасаллигидан сакланиб түргуқдан сунғиги хайр кўриш даври узаиди ҳамда ҳомиладорликнинг одди олинади.

Янги түқан аёл бачадони устига биз аввалигидек иккى кило келадиган музни кўйиш ўрнига бағрига "жонидан узилган" боласи-ни бераятлайди. Шу ўринда мен оталаримиз, қайнона-ю, оналаримиздан илтимос құлардимиз, ёш болали онага ўз вақтида дам олиб, витамины маҳсулотлар билан оқшаланышига имкон яратсалар. Қайнона жонлар, келинингиздин кўлидан боласини олиб рўзгор юмушлари билан банд килиб кўйиш ўрнига, ишини олинг, у кўпроқ гўдаги ёнида бўлсун. Агар она дилбандини кама-ди иккى ёшгача кўкрак сути билан парвариш қисла, ўзининг ҳам боласининг ҳам саломатлигини асрардан бўлади.

**— Шифо масканининг кела-
жакдаги режалари қандай?**

- Айни кунда 115 ўринли түргуқка тайёрлаш, ҳомиладорлар патологияси, түргуқ комплекси ва түргуқдан кейинги соғломлаштириш бўлимларимизда фойлият кўрсатадиган. Биз "Проект ХОУП" нодавлат ташкилотининг бевосита ёрдами билан зарурий жиззоларимизни янгила-дик. Она сутининг аҳамиятини тарғиб кильчи мухим кўлланма ва тарғибот материаллари билан ҳам шу ташкилот таъминлади. Лекин биномиз анча эски. Қулаликлари чегараланган. Агар мутасадди ташкилотлар бу борада амалий чора-тадбирлар билан ўзини кўллашса айни мудда бўларди.

**Ойбуви ОЧИЛОВА
Навоий вилояти**

ФАЙЗИ ҲОНАДОННИНГ — БАХТАН БЕКАСИ



Сизга ҳикоя килаётганимиз — Мирзо Улуғбек тумани Дарҳон маҳалласидаги бу оила маънавий дунёси, меҳру оқибати, юрт учун қилаётган ҳалол мөхнати билан ибратлиди. Оила бошлиги Баҳодир Турсунов ва унинг умр йўлдоши Мавлуда Рустамовлар 25 йил биргаликда баҳти ҳаёт кечириб, иккى фарзандни вояға ётказишиди.

Баҳодир aka 17 йил заводда ишлаб, ҳалол ме-

нати билан фарзандларига ўрнак бўлиб, уларни ҳам ўз касбига меҳр-муҳабbat руҳида тарбиялади. Мавлуда опа ҳам бу борада четда тургани йўқ. Автомобиль йўллари институти тутатиб, шу соҳада бир неча йиллардан бери са-марали хизмат қилиб келмоқда. Уларнинг йўлдан кетган ўғли Дилшод — устахонда машина таъмирлочи, қизи — Барно эса хисобчилек касбини эгаллашди. Жасурбек исмли ширин набирала-ри бор.

- Буғунги кунда ўзининг 50 ёшини нишонаётган Мавлуда билан ўтказган умрим, ҳаётим жуда ҳам мазмунли. Яхши ёмон кунларимизда бир-бirimizga сунянимиз, ҳар соҳада маслаҳодимиз. Бирор бирор киши тўғрисида ёмон галирганини, бирор нарсадан ноглигини эшигтан эмасман, дейди Баҳодир aka.

Биз юртимиздаги бир файзли ҳонадоннинг баҳтилек бекаси - Мавлуда опа Рустамовага си-кат-саломатлик тираб, қолган умрингиз ҳам сер-файз, сермазмун ўтсин, деб коламиз.

Хулкар ҲОТАМБОЕВА

рини кўрмайдиган, мустакилларимиз ва тинчлигимизга раҳна солувчи кучлар йўқ эмас. Шундай шароитда биз нуронийлар гафлатда қолмаслигимиз, ҳамма вақт оғоҳ ва ҳушёр бўлмогимиз лозим".

Узунлик кариялар ана шунга аҳд қилишди ва бошқаларни ҳам даъват этишмокда. Сурхондарё вилояти, "Туркистон-пресс"

МЕН ҲАМ СИЗДАН ҚОЛИШМАЙМАН

Хурматли У., дил изхорингизни, юрак дардларингизни ўқиб сизга жуда ҳам ачинидим. Юрагидаги дардларим янгиланиб, кўзларим ёшга тўлди. Келинг, мен ҳам ўз турмушимдан сўзлаб берай.

2000 йил январ ойи ўрталарида ойим билан бир сабаб бўлиб Салима исмли фолбинга фол очирдик. Шу-шу ба аёл менга ёкиб колди. У кишига мен ҳам ёқсанлигим сабабли келин бўлдим. Турмуш ўртоғимни бор-йўги 2 бор кўрдим. Биз бирга юрмаганимиз. Никоҳ тўйидан бир хафта ўтгач турмуш ўртоғим менга юрак дардларини, сирларини айти бошлидилар.

Тўйдан 10 кун ўтгач, турмуш ўртоғим иш юзасидан Самаркандга 20 кунгина кетдилар. Сўнг яна бир ойча юрдилар. Мен қайнона-қайнонатам, беш қайнукам ва бир қайниснгим билан аҳил ва инок яшардик. Нимагадир қайнонам келин бўлиб борган пайтларим икки ҳафтада бир ойимнига юборсалар, кейинчалик бир ойда бир боришига ҳам рухсат бермайдиган бўлдилар. Қайнонам ойим ва отамни нимагадир (бойлик томондан менимма) ёқтирасмас эдилар, "Мен сизни бувингиз ва тоғангиз учун келин қылганман", - дер эдилар. Негаки, бизнинг оила оддий меҳнаткаш (новвоймиз), тоғамлар

бизнес билан шугулланадилар. Ойимнига бора олмаслигимдан гоҳида йиглаб олардим. Кунларнинг кўнмадилар. Ўзиллари ҳакида сўз ёмонлаб, ота-

онаамга нолиб-ди. Эрим

ота-онамдан қайнона-қайнонатамга таамга (яхни ота-онасиға) ўзлари ту-шунтириб алоҳида яшаш учун шароити яратиб бе-

ЭСЛАТМА: 20 ёшимда обрў-ъитибор қозониб катта лавозимда ишлардим. Тагимда машина, чўнгатимда пул бор эди. Шундай кунларнинг бирида П.ни учратдим ва вайдага вафо қилиб унга уйландим. Тўйдан кейин Н. ота-онами менга, мени ота-онамга ёмонлаб орани совутди. Топчи-тушишимдан барака учди. Охир оқибат П.дан аж-ралдим. Иккичи марта турмуш қуришга безиллаб қодлим.

"Кудаҳон, тўхтант, меҳмонлар кетсин-лар, гап бор", - дедилар. Қайнонам кўнмадилар. Ўзиллари ҳакида сўз бошлаган эдик, ҳатто эштишини тамадилар. Ой-

қанги судларнинг нечтасини кўрганлар. У киши вазияти дарҳол тушуниб, менга ён босдилар. Бизга вақт берилди. Буни қаранг-ки, то иккичи судумиз бошлангучи турмуш ўртоғим ўшқизга но-конунинг равишда уйланил олди. Қанчалик ажрашишни хоҳламасамда, бу гал бизни ажратиб юборишди. Шу кундан сўнг биз бориб нар-саларимни 4 дан 1 кисмни олдик. Нарсалар учун ҳатточи тортишмадик. Чунки дадам, "жонинг соғ-омон бўлса нарса топилади", - дедилар.

Шундай қилиб, атиги б 6 турмуш курдим. Ажралиб келганимга хам 1 йилу 2 ой бўлди. Менинг ҳам ўигитларга ишончим йўқ. Мен ҳалигача турмуш ўртоғимни кутиб юрибман. Қайнонам пушаймон килибдилар, балким келиб қолларлар, билмадим. Лекин мен кутаман.

Тенгдошим У., сиз ҳам менинг дил сўзларимни эшитдингиз, шундан ўзингизга хуласа чиқаринг. Кўп ҳам сиқилаверманг, ўзингиз ва ота-онамнига ҳакида кўпроқ ўйланг, бирон иш билан шугулланинг. Ота-онангизнинг дуоларини олинг. Худодан ўзингизга сабр-тоқат ва бахт сўранг.

МАРЖОНА

Бухоро вилояти,
Когон шахри

ЎҒЛИНГИЗ ЎЗИ ҲАЛ ҚИЛСИН

"Аввал дугона, кейин бегона" — 36-сон

ЭСЛАТМА: Келинимиз кизини ўз ду-
гонасига узатди. У тўй арафасида
касал бўлиб колди. Иккиси ҳам нобуд
бўлди. У иккичи бор операция бўлиб
ётганида даволовчи врач: "Энди ту-
ғиши кийин", - дебди. Шу билан улар-
нинг оиласига дарз кетиб, ҳозир аж-
ралиш арафасида.

Албатта, ҳар бир ўғил-қизнинг орзузи рўёбга чиқсан. Айниқса, турмуш ҳакидаги орзулари армонга айланмасин.

Маколада ёритилган воқеада менинг фикримча, айбор шахс — врач. Шахсан врача айтар сўзларим: "Сиз қордек опроқ кийим, ҳамма кўрса ҳавас қылгудек касбингизга лойик бўлсангиз-да, лекин ўша икки оғизигина "ширин" сўзингиз туфайли нолойкисиз.

Сизнинг биргина соvuқ гапнинг учун бир оила барбод бўлди. Ота-онанинг, келин-ку-ёниннинг орзулари йўқ, деб ўйлайсизми. "Шундайм, келинингиз туға олса", - дебизис. Бундай гапга кимнинг ҳам асаби бузилмайди.

Балки, битта Юлдузнинг эмас, бошқа беморларнинг ҳам дилини ғашлаб, юлдузни сўндириб юргандирсиз.

Атрофа боқинг, касбдошларингизга на-
зар ташланг, қаранг, уларнинг гап-сўзи-ю,
муомаласини. Ўша кўнгли очик касбдош шифокорлардан ўрганинг.

Шифокорлар бор, уларнинг биргина му-
маласи беморларга дори-дармон бўлади.
Менимча, икки дугона кудаларнинг ора-
сига совукчилик тушишига ҳам ўша "шифо-
кор" айбор.

Кўёвнинг онасини қораламайман. Нима килсин, уларнинг ҳам орзу-умидлари бор-
дир. Аммо, куда хола! Ўғлингизни ўзига
қўйиб беринг, ўзи танласин. Юлдузни
деса, сиз қарши чиқманг. Ўғлингизни ўзи
мустақил фикрлаб, мустақил иш юритиши-
га ўйл очиб беринг.

Бу дунёда ойнинг ўн беши коронгу бўлса,
ўн беши ёруғ-ку. Ҳар доим Оллоҳ ёруғ кун-
ларини ҳаммамизга насиб айласин.

Барно АҲМЕДОВА,
Тошкент юридик
коллеки талабаси

«Қай ўйни ташлай» — 13-сон

ЭСЛАТМА: Бир ўигитни севардим, лекин унинг она-
си ҳакида одамлар орасида ёмон гап юради. Дадам:
"Ё уни де, ёки бизни. Агар ўша керак бўлса, уйни
бўшат, у хонадонга сени хеч қачон узатмайман", - де-
дилар.

О.

Тўғриси, шу мақолани ўқиб тақдиримиз ўхшашлигига ҳай-
ратландим. О. синглим, севиб-севилиб юришининг ўзи бир
баҳтдир. Бу илоҳий севги ҳаммага ҳам насиб этавермайди.
Эскилар "тэнг-тенги билан, тезак қопи билан" деганлари-

СИЗДИР МЕНИНГ ИШОНГАНИМ

"Шеър ёза олмайману, аммо..." — 43-сон

ЭСЛАТМА: Манзура опа! Шеърларингиз юра-
гим тўлиб-тошган пайтда кўлимага тушди, йиг-
лаб-йиглаб ўқиб, ёд олдим. Кўпроқ шеър
ёзинг. Алла тўғрисида хам.

ЗУЛХУМОР

Синглим Зулхуморхон, шеърларим сизга ёқнанидан жуда хурсандман. Ҳаётингизда анчагина оғир кунлар бўлганилги сезилиб турибди. Ойнинг ўн беши коронгу бўлса, ўн беши ёруғ, дейдилар. Ҳали сизнинг ҳаётин-
гизда ҳам жуда кўп ёруғ кунлар бўлади. Фарзандларин-
гиз камолини кўриб, хурсанд бўлиб юрасид. Оллоҳдан сизга сабар-бардорш тилайман. Сизнинг қалбингиздаги, сиз фарзандларингизга айтмоқи бўлган "алла"ни ёзишга ҳаракат кўлидим. Агар у сизга ёқса ва озигина бўлса-да, қалбингизга таскин берриб, шеър дафтарин-
гиздан ўрин олса жуда хурсанд бўлардим.

АЛЛА

Мен хуморман, Зулхуморман, алла,
у фарзандим махрибонман, алла.
Сизлар учун яшайпман, алла-ё, алла,
Балоларга мен қалқонман, алла.
Ула болам, овунчигим, алла-ё, алла,
Балоларга мен қалқонман, алла.
Уи фарзандим, уч дилбандим, алла,
Ҳаётимда сиз топганим, алла.
Термулганим, ишонганим, алла-ё, алла,
Сиздир менинг суюнчигим, алла.
Ула болам, суюнганим, алла-ё, алла,
Сиздир менинг суюнганим, алла.
Бир кун катта бўларсиз-а, алла,
Кадримга сиз етарсиз-а, алла.
Армоним кўп юрагимда, алла-ё, алла,
Барига сиз етарсиз-а, алла.
Ула болам, беармоним, алла-ё, алла,
Барига сиз етарсиз-а, алла.
Тақдир экан кетарман-о, алла,
Охиримни кутарман-о, алла.
Оллоҳ ўзи меҳрибон-о, алла-ё, алла,
Яхши кунга етарман-о, алла.
Ула болам, яхшигинам, алла-ё, алла,
Яхши кунга етарман-о, алла.
Сабр туби олтиндири-о, алла,
Бахта етмого чиндири-о, алла.
Ўшал кунлар яқиндири-о, алла-ё, алла,
Сенинг баҳтинг баҳтимдир-о, алла.
Ула болам, баҳтлигинам, алла-ё, алла,
Сенинг баҳтинг баҳтимдир-о, алла.
Калбим кувончга чулғонар, алла-ё, алла,
Тўйлар-тўйларга уланар, алла.
Ула болам, тўйлар бўлсин, алла-ё, алла,
Тўйлар-тўйларга уланар, алла.

Манзура ИХТИЁРОВА

Бухоро вилояти,
Шоғирон тумани

КЎЗ-КЎЗГА ТУШГАНДА МЕХР УЙГОНАНДА

дек, О.нинг оиласи баобрў оиладан, йигитнинг оиласи бун-
дайрок, оиладан эканлиги, икки оиланинг мос эмаслиги
буларнинг соф муҳаббатига тўғаноқ бўлмокда. Мен шундай
холларнинг кўн гувоҳи бўлганимани, ота-оналар ҳеч қачон
фарзандлари уларнинг хатоларини таクロрлашларини ис-
ташмайди. Ёшлар ўтиб борган сари қилган гуноҳ ишлари
учун эса пушаймон бўлиб, фарзандларини тўғри йўлни
ташлаб, яши, одобли инсон бўлиб вояга этишларини ис-
ташади. Шунга ўхшаб О.нинг севган йигити ҳам тиришкоқ,
бир сўзли, одобли йигитга ўхшайди. Энди бир оғиз О.нинг
ота-онаси ҳакида тўхтасал. Атбоба болаларимизнинг ке-
лајак тақдирни бизнинг қўлимида. Қизимиз ёки ўғлимин-
гингиз қалбига кулоқ солмай обрўли, бойвачча ўғлига ёки
қизига унаштиридик, дейлик. У иккиси яланланган кўнгли
бошқа йигит ёки қизига соф муҳаббат тўйгусини бера олар-
микан? Бу хатомиз билан яна шундай омонат, пойдевори
мўрт оила дунёга келади. Бу омонат оилада икки бегуноҳ
инсон азобланади. Бунинг натижасида иродаси мустаҳ-
камроғи яшаб кетса-да, иродаси бўшуроғи бундай оиладан
воз кечади. Натижада йигитимизнинг онасидае йўлдан ада-
шади, бегуноҳ фарзандлари жабр кўришади. Ҳеч қайси ота-
она фарзандининг баҳтсиз бўлишини истамайди. Менинг
ҳам О. қатори қизим бор. Ўзим ота-онам раъи билан оила
курганман, 5 та фарзандим бор. Аммо юқори ёзғанимдек
умримни анчасини яшаб ўтдим. Лекин муҳаббатга тўла
кўнглим яланланган, армонларим юрагимни издан чиқарди.
Буни фақат ўзим ва Оллоҳим билади. Худога шукрлар
бўлсин, 5 фарзандим тақдирига масъульият хиссини тушун-
гандан ҳолда тақдирга тан бериб "баҳтиёр" бўлиб яшаб кела-
гяпман.

Қизим О., сизга маслаҳатим: ота-онангиз билан яна бир
бор гаплашиб кўринг. Ҳар қандай холда ҳам фарзанд учун
ота-она розилиги зарурдир. Отангиз бир карорга келиши-
дан олдин ҳеч бўлмаса онангиз йигитнинг ўзи билан, ёки
онаси билан гаплашиб кўрсинг. Нима бўлгандана ҳам кўз-кўзга
тушгандан меҳр уйғонан.

НАСИБА

ЎГИЛ БОР ОИЛАГА ОТА КЕРАК ЭКАН

Икки нафар фарзандим, бир ўғил ва бир қизим бор. Ёшим 34да. Асли водийданман. Лекин ҳозир Тошкента, яхши бир ташкилотда хисобчи бўлиб ишлайман. Айрим сабабларга кўра турмуш ўргондидан ажрашганимга ҳам 10 йил бўлди. Мен ҳам ўз

Кайдо ўзи
уша баҳт

БАРНО



Уйимизнинг
файзи, суннган
тогимиз Дадабой
АБЗАЛОВ!

Сизди тушнилан қунининз
биздан кутлашмайз.
Багчанинда учранинг узоқ
бексиз. Шифоғанининг
тифуда, қалбимизнинг ағодига бўлиб юни.
Рафиқангиз Мавжуда, ўғилла-
рингиз Махмуджон, Муроджон,
кизларингиз Нодирахон,
Ноибахон, келинларингиз,
набириларингиз

Азиз фарзандларимиз
Гулрух, Гулноза,
Шоҳруҳмиро!



Сизларнинг ҳар
биғинчилини
бағримизда босбим,
туянича ишлай-
кининздан биздан
тағифлашмайз! Багчанинда ҳаминча
соғ бўлининглар. Ахлии, меҳрабон, яхши
нисонлар бўлиб узланинглар.

Отангиз Фахридин,
оннинг Малика
Косон тумани

Дугоналарим
Фотима ва Зухра!

Сизларни тушнилан қунининз
биздан тағифлашмайз. Сизларга
ҳаётда ҳам эннинзидек қўшалоқ
багчи ёғ бўлини. Ҳар доним гўзал
ба қубоқ бўлтишинини
тилайман.

Дугонангиз Зилолаҳон

БИР ҚИЗГИНА БАХТИН ИЗЛАЙДИ

Ёшим 22 да. Мен ҳам турмуш куриб, баҳтиши истаганим учун сизларга ушбу мактубни битдим. Хаётида бирорга оғирлигим тушимайди. Узимни овутиш учун шеъларга шикоятларга ёзбиг турман. Асарларим "Санам", "Ёш куч", "Дарракчи", "Постда", "Кадрия" газеталарида чоп этилмоқда. Шукр, ҳамма ишларни бажара оламан. Фақат бир оёғим ногирон. Ака-

укаларимнинг ҳаммаси ўй-жойли бўлишган. Дунё ўткинчида. Ота-онамдан кейин укаларимнинг кўлдида колишини истамайди. Агар мендек баҳт излаган қизга муносиб йигит бўлса вафодор рафиқи бўлган бўлардим.

Г.
Бекобод



ИТ - ВАФОДОР, АММО...

Ёмон туш кўрсанг, сувга айт, деб ўтириардилар бувим. Мен бу гапга унчалик ёзтибор бермасдими, аммо бир неча марта ёмон туш кўриб, эртасига бирор ноҳушилик бўлса, бувимнинг айтгандарини қилмаганимга афусланардим. Ашрик-кейин бу маслаҳатда амал килидиган бўлиб қолдим. "Астойдил йигласанг, сўқир кўздан ёш чиқар" деганларидек, ёмон туш кўрсанг сувга айттиб бирор ёнгиллашардим. Бир куни эрта тонгдан эрим менинг ўйкудан ўйботди-да деди: "Тушимда бир ит қолпам деб



МУШХОНДАСИ

ташланаверди. Узимни ҳарчанд четта олсан ҳам, менга ташланниб, талай бошлади. Юрагим фаш бўлиб кетаяти.

- Ит - вафодор ҳайвон, илоҳим яхшиликка бўлсин. Бекор менга айттибиз, аввал сувга айтмайсизми?.. Халиям борингда тушигини бошқатдан сувга айтти беринг, - дедим ўзимнинг ҳам тунда кўрган тушим ёдимга тушиб. Тушимда қайнонам: "Матлуба, эрингин устидаги кўйлаганини очиб, тушимни айта бошладим. Кулгили тулоса ҳам шу нарсага ихос қилдим. Эрим тулса кетага, кўрган тушларимиз ҳам эсимидан чайк дебди... Лекин...

Туш пайти телефон жиринглади. Гўшакни кўттарсан, эримни ишхонасида баланд девордан йикилиб, умуртка погонаси лат еб, касалхонага тушиб қолгани тўгрисида хабар бериди. Зудлик билан унинг одигига чопдим. Дўйтилар: "Унчалик хавф йўк, шундай бўлсада, жали тўшақдан турмай, анча даволанишига тўрги келади", дейишди... Хайрияти, умуртка погонаси синмаганди. Аҳволи анча яхши бўлиб қолгач, ўша кунги кўрган тушларимиз эсимига тушиб. Узимни: "Агар тушимни аввалинга сувга айтмаганимда, оқибати нима бўларди? Кари билганини, пари билмас, дегани шуда", - дея ўзимга тасалли бердим. Матлуб олпанинг бу гапларидан кейин мен ҳам ҳалкимиздан қолган бъязи ўйтлар, ирим-сиримлар турли фалокатлардан асрар қизга, деган фикрга келдим.

Муҳаббат ШОЮСУПОВА
Юнусобод тумани

Бордиму, ошхонадаги сув жўнрагини

БОШ ОФРИГИ ТЎҒРИСИДА

Бош оғриги асосан аёллар касаллиги хисобланниб, бу хастилик айниқса ёш аёлларда (18 ёшдан 45 ёшгача) кўпроқ учраши кузатилид... Шунга қарамон бу "аёллар касаллигидан" эрраклар ҳам азобланадилар.

Бош оғригининг олдини олиш ва уни даволанинг айрим чора-тадбирларини эслабти ўтамиш:

1. Соғлом ҳаёт кечириш тарзини тўғри йўлга кўйиш, меъёрида овқатланиш, меҳнат килиш, дам олиш, зарарли одатлардан воз кечиш лозим. Спиртили ичимликлар, та-маки, нос чекмаслик даркор.

2. Бошни иссик кунлари офтобдан, салкин ва совуқ кунлари ёмғирдан, кордан ва шамодан сакчаш лозим.

3. Кун бўйи, баъзан кечаси билан зўриқиб аклий ва хисмоний меҳнат кимласслик, чарчамаслик, толикимаслик, уйда, йўлда, ишхонада беҳудага асабайлашмаслик қерак. Чунки, бугунги кунда ортиқа зўриқиши оқибатида бош оғриги юз бериши ёнг кўп кузатилмоқда.

4. Узоқ вақт ўтириб телевизор кўриш, компютерда ишлаш, китоб, газета ўқиш, телевизор

Саломатлик

Фонда гаплаши, тинмай машина ҳайдаш,

нотиги танланган кўзойнак, кўн сакич чайнаш, баланд овозли мусика ёзитши, ракксга тушиш ва бошқалар. Ҳаммаси мушакларни тинимиз ҳаракатта келтириб, бош оғригини кўзатиши аниқланган.

5. Бола уйдами, кўчадами, мактабдами хафа бўлса, ийғласа, вактида овқатланманса, ухламаса, кун тартибига риоя қилмаса боши оғрийдиган бўлиб қолади.

6. Доим бош оғриб турса, бемор синчилаб тескирилиши ва бош оғриги сабаби аниқлангандан сўнг шифор козоратиди даволаниши лозим.

7. Бола оғригини бартараф килишида ишни томирлар кисилишини, юрак фолияти сусайшини даволашдан бошлиши тавсия этилади.

8. Бола оғригини қолдиришида оёқ-кўлларни үқалаш, уларни иссик сувга солиши, озоз юришга одат килиш, ҳазми суст овқатларни ейишидан тийилиш тавсия этилади.

9. Ўзини-ўзи даволаш хавфи бўлиб, бунда сасаклил йўқолиши ўрнига узоқиқа чўзилиб, саломатлика путур етказиши мумкин.

Сафар МУХАММАДИЕВ

БОЛАНГИЗГА МЕХР БЕРИНГ

Бола қанча кўп йигласа, ўпкаси шунча кенгаради, дейишади.

Аслида: Ўз вақтида ва нафас олиш органдарни жароҳатланмасдан түғилган боланинг нафас олишида ҳеч қандай муммю бўлиши мумкин эмас. Агар бола йигласамайтган бўлса, демак у ҳамма нарсадан мамнун ва унга ҳеч нарса қерак эмас.

Ёки: Эмизилик аёл кўпроқ сигир сути ичса, ўзининг сути кўлаяди, дейишади.

Аслида: Аёл кишининг сути сигир сути иштэмол килишига сира ҳам боғлик эмас. Аксинча, сигир сути кучли алгерик хисобланади. Она сути ўрнига сути махсулотлар иштэмол килиши лозим. Хар куни 2 литр ми-

нинг сутга тўйиши онанинг тўри овқатланиши ва болага кўкракни тўғри тута билишига болиги.

Болангиз ўшига етгач, кўкракдан айримасанлиз, сочинизг тўкилиб, тишларингиз туша бошлайди, дейишади.

Бўлмаган гап! Истасанинг, икки ўзигача эмизишингиз мумкин. Фақат ис-

тепни килаётган озукзиги витамин ва минерал тузларга бой бўлишига ёришсангиз кифоя.

Агар бола жуда эрта ўзга юрашади, оғодишида оғодишида. Шовинларни эшишади.

Хар бир бола ўз йўналиши бўйича ривожланади. Бола юра бошлайдими, демак унинг организми мана шу ҳаракат учун

тайдерди.

Боланинг кўчалари совуқ, бўлса, демак у совқотаётган бўлади, дейишади.

Аслида болангизнинг кўл-оёқ кафтлари совуқ бўлса, билингки, унинг вужудидаги ҳали қон айланни системаси яхши ривожланмаганидан дарак беради.

Болага жимлик қерак, дейишади.

Аксинча, ҳар хил овозлар боланинг ривожланшигига ёрдам беради. У ҳали она корнидагиладиб, доимий равишда ҳар хил овоз, шовинларни эшишади. У бу овозларга нафакат кўнникади, балки, улар билан ўзини бехавоти хис этади.

Ж. ЭРГАШЕВА тайдерлари

Маслаҳатхона

Професор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хастиликларини, касалманд, нимжон болаларни маҳсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хастилигига гормоналдорлар кўлланмайди.

Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни кўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Ҳўжаев ўчкаси, 4-йўл, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвайлар — 7, 8, 16. 1-шахар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

ЭЪЛОН

"Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компанияси акциядорлари диққатига!

"Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компанияси 2000 йил фаолияти на тижалари бўйича дивидендлар тўлашни бошлади (дивиденд микдори акция номинал қийматининг 62,0% ташкил қиласди).

Дивидендлар жорий йилнинг 16 январидан Тошкент шаҳар Толстой ўчкасида жойлашган ИАТ "Алоқабанк"

жамғарма фазнаси орқали тўланмокда (ИАТ "Алоқабанк" "Тошкент почтамти" биносида жойлашган). Дивиденд пулларини олиш учун акциядор ИАТ "Алоқабанк" жамғарма фазнасиға фуқаролик паспортини тақдим этиши лозим.

"Матбуот тарқатувчи" АК Кузатув Кенгаси

4. "Матбуот тарқатувчи" АК "Матбуот тарқатувчи" АК лари фаолияти юритишилари тифайли бирлаштириш масаласи.

5. 2002 йил харажатлар лойиҳасини (сметасини) мухоммади килиш.

Умумий мажлисни ўтказиш жойи: Амир Темур 1-тор ўчка, 2-йўл, мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатга олиш 25.02.2002 йил соат 9.30 да бошлади.

«МТУ» АК КУЗАТУВ КЕНГАШИ



МЕНИ УНУТМА

Ойдин кечаларда
юрмадим яйраб,
Юпанч ахтармадим
ўзгага қараб.
Гарчи шеърлар ёздим
сени-да айблаб,
Дединг узоклардан:
мени унутма.
Бу шеър эмас,
юракнинг тафти,
Неча йилки, ўшанинг гапи.
Ўзи йўқдир, бордир суръати,

Титраб дейди: МЕНИ УНУТМА.
Армонлари тексиз бу ҳаёт,
Қалға фамлар

эссада бот-бот,

Шу сўзингдан боғлайман қанот,

Мени унутма, мени унутма.

Балки сенинг дилинг бошқадир,

Балки сенинг тилинг бошқадир,

Лекин доим тинчимни бузиб,

Жилмаясан — мени унутма.

Малоҳат РАФИКОВА

Ургут тумани

ТАҚДИР

Такдирга тан бермай
йўқдир иложим,
Дунё асли бир кам дейдилар,
Хаётда топмадим
порлоқ қўёшим,
Кимлар сўиди мени,
кимлар куйдилар.
Сўйганлар кўлда гул
сарсон колдилар,
Кўйганлар кўриб
хайрон қолдилар.
Юрагим севидан

Иироқдир-иироқ,

Кўксимда ёнсайди

ишқ деган чирок,

Лайли каби Мажнунларни

кутардим,

Ёр учун мен достонлар

битардим.

Кўксимда ёнсайди

ишқ деган чирок,

Сендан сира бўлмасдим

иироқ.

Фотима СИРОЖОВА

Термиз шахри

КЕЛИНГА САРПОЛАР ИЙҚАН АЁЛ

Бу кўзлар ҳаёт
лаззатидан тўймаган,
Бу қомат бирор гал
ёлчишиб киймаган.
Ўзига ўзининг кўзлари
киймаган,
Келинга сарполар
ийқан бу аёл.
Ўтмаган умринг эллик баҳори,
Сочига ёғилмиши минг
йиллар кори.
Орзулари эса ҳали охорли,
Келинга сарполар
ийқан бу аёл.
Кайнаб турад кунда
кора қозони,
Тежаш билан ўтар
умр мезони.
"Болам" деб ўтмоқда
ҳар фурсат, они,
Келинга сарполар
ийқан бу аёл.
Юрагин кемирав
хавас отлиғ ўй,

Кизлари улгайиб

кўрсатмоқда бўй.

Хаёлда чарх урад,

қимлоп керак тўй,

Келинга сарполар

ийқан бу аёл.

Умр бир мартаға

берилган эхсон,

Бу ҳақда ўйламас

аёл ҳеч қачон.

Сира тиним билмас

бу куйинчак жон,

Келинга сарполар

ийқан бу аёл.

Тантилик ўзбекнинг

аёлига хос,

Сенгадир таъзимим,

сенгадир ихлос.

Килган келинларинг

қадринг билса бас,

Келинга сарполар

ийқан бу аёл!

Махфират АТОЕВА

Бухоро

СИЗНИ ТОПДИМ ДЕҒАНИМДА МЕН...

Сизни топдим деганимда мен,
Узокларга кетиб қолдингиз.
Аламлардан зада кўнглимини,
Хижронларга элтиб бердингиз.
Юрагимда сизга аталган,
Очилмаган гуллар бор эди.
Равон йўлда кетиб борасиз,
Кенг кўчалар менга тор энди.
Мовий кўкнинг юлдуз кўзлари,

Бизни хайрон кузатдилар жим.

Калымдаги оғрик изларга,

Малҳам бўлиб келган эдингиз.

Сизни топдим деганимда мен,

Яна сизни йўқотиб кўйдим.

Энди сизни топмоклик душвор,

Ҳаммасини эртакка йўйдим.

Феруза МУХАММАТОВА

Пайариқ тумани

Ўтган сонларининг қисқача мазмуни: Тақдир ёшлида севишиб, аммо бир-бира га етишолмаган Лобар ва Равшани яна учрашиширади. Лобар оиласидан ажрашган, Равшан оиласи. Уларнинг хуфия учраша бошлаганини Равшанинг хотини билиб қолади.

Ҳар ойда бир марта синдошлари билан учрашуви бўлади. Умиджон тез-тез касал бўлиб учрашувларига бирор мартағи бормаганман. Балки ўша кунлари... Нима бўлганда ҳам анигини билмасдан жанжал чиқармаслигим керак". Унинг хайди

хурсанд бўлармидингиз. Сиз шунақа бўлишиими хоҳлайсизми? Наҳотки ҳавотирланиш, кутиш хўжайинлик керак", - деб Розия яна хайдга бериди. Одатда эркаклар хотинининг тили заҳар бўлса, ё кўнгли йўбўлса бошқа аёллар билан

лидан ана шундай ўйлар ўтди.

"Дадам келди, дадам келди", - деган овоз ҳовлини тўлдириб юборди. Ҳар куни шундай, Равшан дарвазадан киради-ю: "Умиджон", деб чақиради. Одиндан кизлари, орқаларидан алпон-талпон Умиджон югурди. Ҳудди бир йилдан бўён кўрмагандай аомлашишида. Розия ҳам эшик олдига чиқиб: "Келдингизми, дадаҳониси", - деб Равшанинг кулиб қарши оларди.

Бугун Розия эса ўзини қанча мажбурласаим, оёғи михлангандай котиб қолди.
- Онанг ўйдами?

- Ҳа, бошлари оғриб қолди. Ташқаридағи гаплар

унга эшистилиб турарди.

- Юнус бошимни ёриб кўйди, кейин аям Юнуснинг онаси билан уришиб қолди, кейин аямнинг боши оғриб ётиб қолди, - деб дона-дона гапириб, хабар етказди кизи.

Равшан Умиджонни кўтариб ўйга кирди. Розия деворга суняйтиб турар, бир оғиз: "Келдингизми, дадаси", - деса йиглаб юбориши аник. Бироз жилмаймокчи бўлди-ли, лекин уни ҳам эпай олмади.

"Нима килди?" - деб Равшан Умиджонни ерга кўйиб Розиянинг пешонасини ушлаб кўмокчи бўлди. Аммо Розия, "наҳотки шу кўллари билан бошқа аёлнинг сочини силаб юрган бўлса", - деб янган ўй билан ўнинг кўлни итариб: "Кўлингиз муздай", - деб Розия жаҳл билан ўрин сола бошлади. Равшанинг бироз кайфи бор эди. "Айтиб кетмайсанми болам, ҳаммани ўйлантирмай", - деб онаси койиди. Ўғли ўзини оқлашга тузукроқ, баҳона ўйлаб топа олмади. Улар биргалишиб ўйга киришид.

"Қаёққа кеттанингизни айтиб кетсангиз бўларди", - деб Розия жаҳл билан ўрин сола бошлади. Равшанинг бироз кайфи бор, бунинг устига жўларларининг бириси бўлди.

- Розия, - деди у Розиянинг ёнига келиб, - нима, бирон жойинг оғрияптими, дўхтири чақирайми?

- Йўқ, керакмас, салгина мазам йўк, ўтиб кетади. Болалар билан ўтиридик, нима энди, ўйландим деб қаёққа борсам сендан сўраб боришим керакми? Сен менга хўжайнисан, "тур" дессанг турди, "ўтири" дессанг ўтиришим керакми?

- Хўп, - Равшанинг кўнгли бироз тинчланди. "Юринглар, аянг пича дам олсин", - деб болаларини етаклаб чиқди.

Розия ўрин солишидан тўхтаб, унга яқин келди ва:

"Агар сиз ишдан кеч кела-

сизми-ўйқуми парво қилмай,

ўйламай ухлаб ётганимда

юриб кетса керак. Мен қарда, нимада хато қилдим экан. Ҳамма

жойни чиннидай қилиб

кўйсам, бирон

марта гап қайтармасам...

наҳотки кўнгли йўбўлса? Ё

бировларга

ўхшаб кунда

уришиб ётмасам,

борига шукр қилсам.

Эсимда, янги

келин бўлиб

тушган тақтимда

бир аразалшиб қолув-

дик...

Ўшанда Равшан ўйга жуда

кеч келганди. Розия хаво-

тилраниб ўйга киради-куча-

га чиқади. "Болам ўйга ки-

ринг", - дерди қайнонаси

унга. Аслида ўзи ҳам хаво-

тирида эди.

Қайнона-келин ярим кечга-

чи кўнгча термулишиди. Бир

маҳал машинанинг сигнали

эшистилди. "Хайрият", - деб

улар барабар Равшана пеш-

чишидиди. Равшанинг

бироз кайфи бор эди. "Ай-

тиб кетмайсанми болам,

ҳаммани ўйлантирмай",

- деб онаси койиди. Ўғли ўзини оқлашга тузукроқ, баҳона ўйлаб топа олмади. Улар биргалишиб ўйга киришид.

- Нима килаяпсан? - Рав-

шан хайрон бўлди.

- Кетмоқчиман. Ўядиги

ҳамма нарса-гиламу мебел,

ҳаммаси сизники, факат

мен анави тўйда берган гу-

лингизни олиб кетмоқчи-

ман. Меннинг ўрнинг кел-

ган бошқа аёлнинг уни

ташлаб юборишини хоҳла-

майман.

Равшан Розиянинг олдига

келиб ўнинг кўлидан ушла-

ди ва: "Бу гул гарчи қов-

жираф колса-да, умрబод

уимизида осигул турди,

сени эса кеткизадиган ах-

моқ йўк", - деди...

Қадам товушидан Розия-

нинг хаёли бўлниди. У ўзи-

ни ухлаганга солиб кўзини

юмб олди. Равшан унинг

тепасига келиб ачна вақт

тиклишиб турди-да: "Розия,

тузумкисан?" - деб сўради.

(Давоми бор)

Раъно АВАЗОВА

Oila va jamiyat

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20

Табриклар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашириёт-матбаба акциядорлик компанияси босмакоҳи

наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йўл.

Босишига топшириш вақти - 20.00

Босишига топширилди - 20.00

Газета таҳририят компиьютер базасида терилиди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»

Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1 якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоб.

Бахсиш эркин нарҳда. Адади - 30 000

Саҳифаловчи - Жаъфар ЖАББОРОВ.

Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи - М. СОДИКОВ.